# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
# BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
# QARORI

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

**2021-yil 3 - апрел** **663к-son** **Bog‘ot shaharchasi**

Боғот тумани “Қалажиққалъа” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Каримова Сайёра Юсупбоевнага “Соғломлаштириш маркази” биноси қуриш учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Боғот туман кенгаши раиси О.Матниёзовнинг фуқаро Каримова Сайёра Юсупбоевнага Боғот тумани ҳудудидан “Соғломлаштириш маркази” биноси қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йилдаги сўровномасини, Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг тегишли хулосасини, туманда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли фармонига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланиб;

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Боғот тумани “Қалажиққалъа” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Каримова Сайёра Юсупбоевнага “Соғломлаштириш маркази” биноси қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган жами 200,0 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

2. Фуқаро Каримова Сайёра Юсупбоевнага ушбу ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлимидан архитектура режалаштириш топшириғини ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Туман Архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Қ.Хусаинов)га ер хисобини тузган вақтда ушбу ўзгаришни ҳисобга олиш ҳамда фуқаро Каримова Сайёра Юсупбоевнага тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бериш вазифаси топширилсин.

4. Фуқаро Каримова Сайёра Юсупбоевна қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажариши, ушбу ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланмаслиги ҳамда ер участкасидан 2 йил мобайнида тўлиқ фойдаланиб ва қурилишни тугаллаб Давлат қабул қилиш комиссиясига топширмаганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **Ш.Яхшибаев**